O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 13 январь, чоршанба • № 4 (11.087) • Эркин нархда сотилади

ҚОҲИРА УНИВЕРСИТЕТИГА ТУҲФА

Ўзбекистоннинг Қоҳирадаги элчихонаси Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида илмий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш доирасида Қоҳира университети иқтисод ва сиёсатшунослик факультетининг Осиё тадқиқотлари марказига мамлакатимиз тўғрисида китоблар мажмуасини тортиқ этди.

Мажмуа ўзида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, илмий ва маданий ҳаётининг турли кўринишларини ва тарихини ўрганишга имкон берадиган китоб, буклет ва фотоальбомларни ўзида мужассам этган.

Мажмуадан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг араб тилида нашр этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» ва «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоблари ўрин олган.

Осиё тадқиқотлари маркази директори профессор Муҳаммад Ас-Саид Салем мамлакатимизнинг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Солиҳ Иноғомовдан китобларни қабул қилар экан, уларни: «студент ва ўқитувчиларга Ўзбекистон тарихи ва ҳозирги куни билан яқиндан танишишга ёрдам берадиган қимматли туҳфадир», деб таърифлади.

Қоҳира университетининг китоб фондларидаги янги «ўзбек» бўлимидан Миср оммавий ахборот воситалари ўз ўқувчиларини бохабар этди. Ўзбекистондан келтирилган китобларни тантанали топшириш маросими тўғрисидаги хабарларни «Egyptian Gazette», «Аль-Аҳрам», «Аль-Ахбор» ва бошқа нашрлар чоп этди.

«Жаҳон» АА.

ҲИССАДОРЛАР



КЕЛЕС тажриба-таъмирлаш механика заводи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланганидан кейин унда ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ортиб бормоқда. Ишчи-хизматчилар қатор қишлоқ хўжалиги машина-механизмларини таъмирлаш, уларга эҳтиёт қисмлар тайёрлаш билан бирга истеъмол бозори учун ҳам ишламоқдалар. Айни вақтда маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш 20тага етди. Ўтган йил давомида буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ҳажми пулга чаққанда 20 миллион сўмликдан ошиб кетди.

Бу ерда тайёрланаётган бетон қорғичлар, тирсаклар, шлакоблоклар ва бошқа маҳсулотларга доим харидор топилмоқда. Жамоа аъзоларининг меҳнатидан корхоналаргина эмас, якка тартибда уй қурувчилар ҳам фойдаланмоқдалар. Уларнинг буюртмаси билан турли хил бинокорлик материаллари тайёрлаб бериляпти. Жамоа бу йил янада юксакроқ маррани эгаллашга бел боғлаган. Ишчилар ойлик ишлаб чиқариш ҳажмини 2,5-3 миллион сўмга етказиш учун жорий йилнинг дастлабки кунларидан суръатга суръат қўшиб ишламоқдалар.

СУРАТЛАРДА: пешқадам пайвандчи Султон Бойматов; юқори тоифали токарлар Владимир Буров ва Рихсивой Мирзакаримовлар маҳсулот сифати ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

БИРИНЧИСИ ОЛИМКЕНТДА ЎРНАТИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси электроника институти олимлари чигитни туксизлантириш жараёнини такомиллаштириш устида ҳам изланмоқдалар. Бунинг учун янги техника воситалари яратиляпти.

Уларнинг тавсияси билан ҳозир Ўзбекистонда 40дан ортиқ кичик корхона очилган бўлиб, улар туксизлантирилган чигитларни шу техника ёрдамида сифатли тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Махсус патент билан ҳимояланган янги мосламанинг биринчиси Олимкент пахта заводида жорий қилинди.

Бу техникавий янгиликни яратишда институтнинг бир гуруҳ мутахассислари пахта заводига амалий ёрдам кўрсатдилар. Бундай асбоблар республикамизнинг бошқа пахта заводларида ҳам ўрнатилади.

Акбар АЛИЕВ.

БАХТИНГ БАРКАМОЛ БЎЛСИН, МАДИНАБОНУ!

КЕЛЕСЛИК Ўктам Қурбонов ва Нилуфар Нормуротовалар оиласида Аёллар йилининг биринчи вакиласи Мадинабонунинг дунёга келиши катта шодиёнага айланди.

Шу муносабат билан туғруқхонада туман ҳокими муовини хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Қорабоева қизалоқнинг онасига — қутлуғ йилнинг биринчи вакиласига ҳокимлик туҳфаси — болалар аравачасини топширди.

Қадамларинг қутлуғ, умринг узоқ, бахтинг баркамол бўлсин, Мадинабону!

Нодир ИСАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ»ДАН ЯНГИ ДАРСЛИК

МУСТАҚИЛ Ўзбекистоннинг Истиқлол даври тарихи жараёнида халқ хўжалигининг турли соҳаларида туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Ана шу миллий уйғониш, миллий янгиланиш ва миллий ўзликни англаш тушунчалари мамлакатимиз мактабларининг 11-синфи учун «Ўзбекистон тарихи» фанидан ёзилган янги дарсликда ўз ифодасини топди.

Унда яқин ўтган кунларимиз тўғрисида ҳикоя қилувчи рангли суратлар ҳамда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонига сазовор бўлган фидойиларга бағишланган маълумотларнинг ёритилиши ҳам ўзига хос мазмун касб этган. Китоб Назрулла Жўраев, Турсунбой Файзуллаев ва Қамариддин Усмоновлар муаллифлигида ёзилиб, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида яқинда кўп нусхада чоп этилди. Дарсликнинг услубий жиҳатлари олий тоифали ўқитувчи Мавжуда Воҳидова томонидан тайёрланди.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, дарсликка тақриз ёзган республикамизнинг тажрибали тарих ўқитувчилари орасида Бўка туманидаги 8-ўрта мактабнинг олий тоифали муаллими Усмон Жўраев ҳам бор.

Али АКБАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қарор қилади:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 1999 йилги ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Зиёратчилар рўйхати фуқароларни ўз ўзини бошқариш ташкилотлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузилсин.

2. 1999 йил ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита ёрдам кўрсатсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси /А.Рўзметов/ 1999 йил март-апрель ойларида зиёратчиларнинг Жидда шаҳрига бориб келишлари учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг ҳаражатларини камайтириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги /З.Алматов/, Ташқи ишлар вазирлиги /А.Комилов/, Давлат божхона қўмитаси /Ў.Комилов/ Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги /Ф.Назиров/ Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўрикдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги /З.Алматов/ ва Миллий хавфсизлик хизмати /Р.Иноятов/ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки /З.Мирхўжаев/ Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1380 /бир минг уч юз саксон/ АҚШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдорда конвертация қилинсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга ошираси.

9. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоидаси, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 8 январь.

РАҲБАРЛАР ОДАМЛАР ОРАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Ўртачирчиқ тумани хўжаликларида қандай бажарилмоқда?

ҚИШ — бекорчилик эмас. Асл деҳқон кўзлаган экин-тикин ишларига қиштдаёқ пухта тайёргарлик кўриб кўяди. Ҳозир тумандаги барча хўжаликларда янги мавсум ҳосилига ҳар томонлама мустаҳкам замин яратиш тараддуди қизғин паллага кирди. Айниқса, Охунбобоев номли, Ким Пен Хва номли, «Қорасув» хўжаликларида кузги-қишки тадбирлар бекаму-кўст адо этилмоқда. Устахоналар одамлар билан гавжум. Раҳбарларнинг айтишларига қарагандa ҳозир пудратчи деҳқонлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, устахонага келиб, таъмирловчиларга билганларича ёрдам бермоқдалар. Бу ердаги саранжом-саришталик, айниқса, кишини ҳаяжонга солади. Вақоланки, илгарилари устахоналар деярли ҳувиллаб ётарди, бир-икки нафар механизатордан бошқа ҳеч ким бу ерга қадам босмасди. Эски-туски техника воситалари дуч келган жойда очиқ-сочиқ, занг ва лой босиб ётаверарди. Энди эса...

Хўш, устахоналардаги бундай янгича тартибнинг боиси нима?

Аввало шуни айтиш керакки, туман ҳокимлиги ўтган йилги пахта режаси бажарилмай қолганлиги сабабларини обдон таҳлил этиб, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олди ва янгича режалар белгиланиб, ҳар бир меҳнаткашга етказилди. Биринчи навбатда беистисно ҳамма хўжаликлардаги машина-трактор саройларини тартибга келтириш юзасидан умумий сафарбарлик эълон қилинди. Ҳамма техника, машина ва механизмлар турлари бўйича махсус тайёрланган устн ёпиқ майдонларга қатор қилиб қўйилди. Дала ишларига ярайдиганларини бир бошдан таъмирлашга киришилди. Қўлдан чиққанлари эса алоҳида сафга тизилиб, бўяб қўйилмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга оид қароридан келиб чиқадиган вазифалар асосида вилоят ҳокимлиги ишлаб чиққан тадбирларни бажариш учун туман ҳокимлиги ҳам зарур юмушларни белгилаб олган эди. Айни кунларда ана шу юмушларнинг қандай адо этилаётганлигига ҳар ҳафтада якун ясалиб, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари иштирокидаги йиғилишларда муҳокама этилмоқда, навбатдаги вазифалар белгилаб олиниб, уларнинг ижроси бутун ҳафта давомида кузатиб, текшириб борилмоқда. Ҳокимликдан тортиб, барча ташкилот раҳбарлари идорада ўтиравермай, кўпроқ одамлар орасида бўлишиб, ташкилотчиликни кучайтирмоқдалар, муаммоларни жойнинг ўзида ҳал этмоқдалар.

Ана шундай ташкилий тадбирларнинг самараси ўлароқ туманда асосий кузги-қишки юмушлар вақтида ва маромига етказиб бажариб борилмоқда. Масалан, кузги шудгор аввалги йиллардагига нисбатан анча барвақт яъни 15 декабрда якунланди. 14 минг гектар экин майдонининг ҳаммасига ҳайдаш олдидан белгиланган меъёрда аммофос ва маҳаллий ўғит солинди.

Бугунги кунда устахоналарда сеялкаларни созлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жами 265та сеялкадан 8 январь ҳолатига 211таси, шу жумладан, чигит экадиган 225та агрегатдан 188таси тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди. Қолганларини ҳам кечи билан 20 январгача, яъни ҳукумат қарорида белгиланган муҳлатдан ўн кун илгари созлаб қўйиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, машина-трактор саройларида бошқа техника воситалари ҳам навбати билан таъмирдан чиқарилмоқда. Масалан, кузги шудгор пайтида ёппасига сафарбар этилган 125та ҳайдов тракторидан 95таси ярокли ҳолга келтириб қўйилди. 228та чопиқ тракторидан 155таси, 1912та боронадан 1415таси таъмирланди.

Туман хўжаликларида 1999 йил ҳосили учун 11.000 гектар ерга кузги буғдой экиш режалаштирилган эди. Амалда эса 11.202 гектарга экилди. Шундан суғориладиган майдондаги буғдой режадагидан 417 гектар зиёд бўлди. Бунга ички имкониятлар, яъни ёш мева боғлари қатор ораларига ҳамда сувсизликдан бекор ётган ерларга насос билан сув чиқариб, буғдой экиш ҳисобига эришилди.

8 январь ҳолатига 7685 гектар майдондаги буғдой ниҳоллари фосфорли ўғит билан озиқлантирилди. 9122 гектар ердаги ғалла қондириб суғорилди. Умуман, 9200 гектар майдонда-ги буғдой майсалари туп ёйиш фазасида қишловга кирди. Бу ғалладан мўл ҳосил олишнинг асосий шартларидан биридир.

Ҳафталик таҳлилий йиғилишларда суғориш шохобчалари ҳамда ернинг заҳини қочирадиган ариқ-зовурларни тозалашнинг сифат ва суръатларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунончи, кузги-қишки тадбирлар режасида ариқ-зовурларни тозалашга 9та экскаватор жалб этилиши мўлжалланган бўлса, шу кунларда 12та экскаватор ишлаб турипти. Бу йил 45 километр узунликдаги ариқ-зовур тозаланиши керак эди, ҳозиргача 24 километри тартибга келтирилди. 8 январгача 55 километр узунликдаги хўжаликлараро суғориш тармоғининг 41 километри тозалаб қўйилди.

Навбатдаги вазифа эса пахтанинг айнан туман ер ва иқлим шароитига мос келадиган кўпи билан икки хил навини танлаб, уруғликни ғамлаб қўйишдан иборатдир. Президентимизнинг ғўза навларидан мосини танлаш ва тўғри жойлаштириш ҳақидаги Фармонида таъкидланганидек, бу масалада ҳафсаласизлик қилган раҳбарлар тайёр имкониятни бой берган бўладилар. Шунингдек, маъданли ўғитларни, экин зараркунандалари ва касалликларига қарши ишлатиладиган кимёвий дориларни, техника воситалари ва бошқа машина-механизмларнинг мавсумда тез ишдан чиқадиган қисмларини ҳозирданоқ кўплаб ғамлаб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Қарор ва ижро

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРАЙЛИК

Тошкентда спорт журналистикасининг долзарб муаммоларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари, «Ўзтелерадио» компанияси раҳбарлари, спорт журналистлари иштирок этдилар.

Кенгашда матбуотнинг аҳолини соғломлаштиришга, уни жисмоний тарбия ва спортга фаол жалб этишга бағишланган ҳукумат қарорларини кенг ёйиш борасида йўл қўйилган нуқсонларга жиддий эътибор қаратилди.

Ахборот узатишда бир хил ибораларидан фойдаланиш, тил ва жанрларнинг бир хиллиги, хабарлар жўғрофиясининг торлиги, спортнинг фақат оммавий турларига эътибор бериб, бошқа турларини унутиб юбориш каби нуқсонлар спорт журналистикасидаги ана шундай муаммолардир.

Кенгашда жиддий журналистик таҳлил ўтказиб, спортнинг у ёки бу турларини жадал ривожлантиришни таъминлаётган айрим вилоятлар, минтақалар ва спорт федерацияларининг тажрибасини кўрсатиб бериш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Сўнгги йилларда йирик халқаро мусобақаларда катта ғалабаларга эришган ўзбек спортчиларининг ютуқларини тарғиб қилишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳаётий зарурлиги, уларнинг ютуқлари манбалари тўғрисида ижодкорлик билан ҳикоя қилиш жисмоний тарбия ва спортнинг фойдалилигини кўрсатувчи ишончли далил экани кенгашда таъкидлаб ўтилди.

Кенгашда журналистлар малакасини ошириш, семинарлар ва махсус курслар, журналистларнинг ўзларини спортга фаол жалб этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасида 1999 йилга маҳсулот етказиб бериш ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш учун шартномалар тузилишининг боришига бағишланган мажлис бўлди. Унда вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, компания, уюшма ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари қатнашди.

Мажлисни Бош вазир Ў. Султонов бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов маъруза қилди.

Таъкидландики, 1999 йилда маҳсулот етказиб бериш ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш учун шартномалар тузиш борасида республикамиздаги қатор уюшма ва компанияларда ҳали талай камчиликлар мавжуд. Чунончи, ички ва ташқи бозор талабларини ўрганмасдан маҳсулот тайёрлаш, омбор учун ишлаш, шартномаларни эски тушунчалар асосида тузиш ҳоллари ҳамон учрамоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва улгуржи харид идоралари ўртасидаги муносабатлар бугунги иқтисодий ислоҳотлар талабларига жавоб бермайди. Шу боис барча соҳаларда шартномаларни бузиш, уларда белгиланган шартларни вақтида бажармаслик, бунинг оқибатида катта миқдорда жарима тўлаш ҳолатлари мавжуд. Экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган шартномалар тузилиши ҳам қониқарсиз аҳволда.

Мажлисда мавжуд нуқсонларни бартараф этиш учун, авваламбор рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашиш, узоқ муддатли шартномалар тузилишига эришиш, шартномавий муносабатларнинг мавқеини янада ошириш лозимлиги қайд этилди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси раиси Б. Носиров, «Ўзқишлоқмаш-холдинг» компанияси раиси Р. Матчонов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори Н. Сигедин ва бошқалар ўз тармоқларида бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот бердилар.

Шунингдек, мажлисда вилоят ҳокимликларига қарашли маҳаллий саноат, маиший хизмат кўрсатиш, «Мевасабзавот» ҳудудий бирлашмалари, бошқа корхона ва ташкилотларда «буюртмалар портфели»ни шакллантиришнинг бориши ҳам муҳокама этилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекцияси раҳбари Ғ. Барноев, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

(ЎзА).

Тошкент вилояти ҳокимининг қарори

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ X СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги X сессияси 1999 йил 15 январь куни соат 10.00да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят ҳокими У. МИРЗАҚУЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 11 январь.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ИСТИҚЛОЛ шундай неъматки, у нафақат мамлакат ва жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, балки ҳар бир шахснинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлишини таъминловчи муҳим омилдир. Ўзбекистоннинг мустақилликда кечган етти йиллик ҳаёти бунга яққол далил бўла олади. Севикли Ватанимизнинг ана шу тарихан қисқа даврда МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб иқтисодий барқарорликка эриша бошлагани ҳам истиқлол шарофатидан, албатта.

Шуниси айниқса қувончлики, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўзининг қудратли миллий армиясига эга бўлиш саъй-ҳаракатини бошлаган Ўзбекистон бугунги кунга келиб бу эзгу ниятини ҳам рўёбга чиқарди. Мамлакатимиз Президенти комил ишонч билан таъкидлаганидек, эндиликда Ўзбекистон ўзининг ҳар томонлама ҳарбий салоҳиятли Қуролли Кучларига эга. Бироқ республикамизнинг ҳарбий сиёсати ўзгаларга нисбатан куч ишлатиш ёки тажовуз қилиш эмас, балки тинч-тотув қўшничилик шароитида яшашдир. Бу инсонпарварлик ғояси ҳарбий хизматга чақирилаётган ҳар бир ёшнинг онгига сингдириб борилмоқда.

ЮРАКЛАРДА ЭЛ-ЮРТ ИШҚИ

ҚУРОЛЛИ Кучларимиз сафлари мард, жасур, юраги Ватан туйғуси билан уриб турган посбонлар ҳисобига тўлиб бормоқда. Бунинг сабаби йигитларимизни давлат ва жамоат ташкилотлари ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга ҳаракат қилаётир. Бизнинг фикримизни рота командири Ҳакимжон Тожиев ҳам тасдиқлади:

— Ротадаги барча посбонлар янги чақирилган аскарлар бўлишига қарамай, қишки мавсумнинг бошиданоқ умумжамоа ҳисобида юқори кўрсаткичларга эришяпмиз. Бу ютуқларнинг бари фақат ўз меҳнатларимиз самараси, десам янглишган бўламан. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир-икки ой ичида ёш посбонларга ҳарбий илмни тўлақонли ўргатиб бўлармиди? Истаймизми, йўқми, мактаб, маҳалла, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ёш йигитларни армияга тайёрлашда қўшаётган улушлари катта бўлаётганлигини тан оламиз.

Мазкур ротанинг аълочи посбони Суннат Маттаев яқиндагина Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидан ҳарбий хизматга чақирилган. Янги ўқув мавсуми бу посбон учун катта имконият эшигини очди. Оддий аскар С. Маттаев ижтимоий-сиёсий, жанговар, жисмоний тайёргарликларда муваффақиятга эришгани учун командирининг олқишига сазовор бўлди.

— Ҳарбий хизматга келгунимча Қуролли Кучларимиз тизими, ҳарбий ҳаёт борасида озми-кўпми маълумотга эга эдим. Армиядаги машғулотларда бизда илк тушунча борлиги асқотмоқда. Саф қўшиқларини ижро этаётиб, «Ўзбекистон» номини баралла айтганимизда юрак орзиқиб кетади. Шунда ўз Ватанимнинг ҳимоячиси бўлганлигимдан ғурурланиб кетаман, — дейди аскар Суннат Маттаев.

Қишнинг ҳавоси ўзига яраша беқарор. Куннинг биринчи ярмида қуёш порлаб турган бўлса, куннинг иккинчи ярмида... Биз мазкур ротага борганимизда шаррос ёмғир қуйди. Аммо табиат инжиқлиги рота посбонларининг кайфиятига, жанговар хизмат суръатига даҳл қилолгани йўқ. Улар қишки ўқув мавсумининг навбатдаги вазифаларини ҳал этиш, бундан-да катта ютуқларга эришиш учун жадал интилишарди.

С.АЛИЖОНОВ.

САФЛАРДА ОДИМЛАР ЎЗИМИЗНИНГ ЙИГИТЛАР

БУ ЙИГИТЛАР вилоятимизнинг Оққўрғон туманидан. Аскарликка кузатишаётганда ота-оналари, меҳнат фахрийлари қайта-қайта таъкидлаган ўгитларни дилларига жо этишган. Шундан бўлса керак, ҳарбий хизматнинг дастлабки кунлариданоқ айтарли қийинчиликка дуч келишмади. Бунинг устига мактабда спортда чиниккан-ликлари ҳам кўл келди.

Эндиликда катта лейтенант Рустам Галифуллин командирлик қилаётган ротада оддий аскарлар А. Юсуфбоев, И. Салматов, Ш. Тошпўлатовлар ҳақида гап кетганда сафдошлари кўз ўнгида ҳар қандай топшириқларни ҳозиржаволик билан бажарувчи, Қуролли Кучлар интизомига қатъий риоя этувчи, хушмуомалалиги, чаққон ва сезгирлиги билан ажралиб турадиган Ватанимизнинг садоқатли ўғлонлари гавдаланадиган бўлиб қолган.

Ротада Умид Холмуродов ҳам шундай йигитлардан. Мана унинг хизмат фаолиятидан бир лавҳа: Тун. Борлиқ уйқу оғушида. Бир кеча-кундузги навбатчиликда турган аскар Холмуродов ҳар қачонгидан ҳам сергак. Шу пайт бирдан «ўқув тревога»си эълон қилинди. Навбатчи Низомда кўрсатилган тартибда тез ва билимдонлик билан ўз бурчини аъло ўтади. Орадан кўп ўтмай рота бўйича топшириқ юқори даражада алоҳида масъулият билан адо этилгани қайд қилинди. Шахсий таркиб қишки ўқув мавсумининг машғулотларига пухта ҳозирлик кўргани намоён бўлди.

Мустақил мамлакатимизнинг довюрак, мард посбонлари фақат тактик, жанговар машқлардагина эмас, ижтимоий-сиёсий сабоқларда ҳам билим ва малакаларини мунтазам ошириб бормоқдалар. Улар машғулотлардан бўш пайтларида кутубхонада аждодларимиз меросини ўрганмоқдалар. Юртбошимиз китоблари асосида ўтказиб борилаётган суҳбатлар чоғида фаоллик кўрсатмоқдалар. Шундай бўлиши ҳам керак. Зеро, мамлакатимиз таянчлари қалбида Ватанга, қадриятларимизга меҳр-муҳаббат, она юртимизга, аскарлик қасамёдига содиқлик туйғуси меҳр ила жўш урмоқда.

Алижон САФАРОВ,
катта лейтенант.

1999 йил — Аёллар йили

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

ҲА, ШУНДАЙ. Қариси бор уйнинг, париси бор, деб бежиз айтилмайди. Унинг мазмуни шу хонадон ҳамиша файзли, кўркам ва саодатбахш деганидир. Зеро, ҳаёт аччиқ-чучугини тотган кексалар ўзларининг доно маслаҳатлари, теран фикрлари, вақтида айтилган ўринли ўгитлари билан ҳамиша оила аъзоларини, қариндош-уруғларни тўғри йўлга бошлайдилар.

Ана шу фазилатлари билан бутун бир маҳалланинг таянчи, суянган тоғи бўлиб қоладилар. ўз навбатида бообрў инсонлар сифатида доимо эл эъзозини ҳис этадилар. Улуғ айёмларда маҳалла-кўй кишилари бундай нуронийларни йўқлайдилар, дуоларини оладилар.

Ўтган шанба куни вилоятимиздаги ана шундай юз ва юз ёшдан ошган бувижонлар Қибрай туманидаги 8-Март санаторийсида тўпландилар. Уларни жигаргўшалари, жойлардаги мутасаддиларҳбарлар кузатиб келдилар.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган «Асрга тенг умр» даврасида 104 нафар юз ёшлиларнинг 60 нафари иштирок этди.

— Азиз онажонлар, — деди тадбирни очар экан, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева, — Президентимиз «Аёллар йили» деб эълон қилган 1999 йилни сизларнинг оқ фотиҳангиз билан бошлайлик, деб ана шу даврага йиғилдик. Дуоларингиз бизнинг йил давомидаги ишларимизга мададкор бўлсин.

Даврада умрнинг неча-неча довонларини босиб ўтган муҳтарама оналарни табриклаб сўзга чиққан Қибрай тумани ҳокими Мирзамашраб Куччиев уларга ҳукуматимиз ҳамиша ғамхўрлик кўрсатиб келаётганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, мулоқот чоғида Янгийўл туманининг Эски Қовунчи қишлоғида истиқомат қилувчи Хайрибуви Азимованинг фарзанди Раҳим Азимов, халқаро «Кувайт» жамғармаси Ўзбекистон бўлими бошлиғи Гайд Жалол бин Садоклар ҳам самимий табрикладилар.

Сўнгра санъаткорлар — республика халқ артистлари Берта Давидова, Яйра Абдуллаева, Гавҳар Раҳимова, Комуна Исмоилова, Ҳасан Ражабий, Олмахон Ҳайитовалар ҳамда, «Гулёр» бадиий дастаси ижросида концерт кўрсатилди.

Учрашувда нуроний онахонлар Кичкинабуви Абдуқодирова, Хан Сун До, Хан Ксения, Марина Сидоровларнинг рақслари даврага файз киритди.

Биз учрашув жараёнида 114 ёшли Олияхон Ҳамроқулова, Турсуной Исматовалар билан гурунглашдик. Момолар кўрсатилган бундай иззат-икромдан мамнунликларини билдирдилар. Истиқлолга эришган юртимизга равнақ тилаб, дуо қилдилар. Элимиздаги осойишталик учун Юртбошимизга, мазкур тадбир ташкилотчиларига раҳматлар айтдилар.

Зулхумор ЖЎРАЕВА,
Саидвали ҲАСАНОВ.

«ОТАБЕК»НИНГ БЎРСИЛДОҚ НОНЛАРИ

«ОТАБЕК» кичик хусусий нон корхонаси жамоаси 7 йилдирки, оҳангаронликлар хизматида. Бу ерда жами 16 киши ишлаб, кунига ўртача 1 тоннаю 200 килограмм нон маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Уларнинг турлари йигирматага етиб қолди. Асбоб-ускуналар эса Югославиядан келтирилган. Иш икки даврада ташкил қилинган.

Ишбилармон тадбиркор Музаффар Ҳайитқулов раҳбарлик қилаётган кичик корхона жамоаси аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида савдо шоҳобчасини ҳам барпо этди. Ёпилган бўрсилдоқ нонлар ва булочкалар шу дўконларга пешма-пеш етказиб турилади. Уларни харидорлар янгилигида олиш имконига эга бўлмоқдалар.

Корхона жамоаси ўтган хўжалик йилини дуруст якунлади. Бу йил ҳам кунлик режаларни тўла ва ошириб бажармоқда. Бунда ишчилардан Сурайё Оралова, Зафаржон Орипов, Нилуфар Оллабердиева ва бошқа новвойларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Ҳусанбой АВВАЛОВ.

ДАСТЛАБКИ КЎРГАЗМА ВА МУВАФФАҚИЯТ

МОСКВАДА «Сахронинг ёруғ қуёши» деб номланган ўзбекистонлик рассомларнинг асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма Халқаро рассомлар уюшмалари конфедерацияси ва Тошкентдаги «Мастер» арт-галереяси томонидан ташкил этилди.

Экспозиция Россия пойтахти аҳолиси ва меҳмонларига қатор ёш, аммо аллақачон эл назарига тушган мўйқалам усталарининг асарларини намойиш этади.

Кўргазмага қўйилган асарлар орасида Ғайрат Бойматовнинг «Шарқ яккама-якка курашлари» ва «Етти ўлим гуноҳлари» каби сув бўёқ билан ишланган асарлари алоҳида кўзга ташланади. Улар композициясининг ўзига хослиги, чизиқ ва рангларнинг мураккаблиги, шарқ фалсафаси ва ғарб эстетикасини бир бирига қориштиришга бўлган интилиши билан ажралиб туради. Бойматов ўзи ихтиро этган сув бўёқ билан ишлашнинг оригинал услубига эга ва мутахассисларнинг таъкидлашича дунёда ундан бошқа ҳеч ким бу йўналишда ишлай олмайди.

Галия Абдураҳманованинг «Олтин ниқоб», «Вақтнинг ўтиши», «Ўтиш» каби асарлари ўзининг бетакрорлиги билан диққатни жалб этади. Ҳамкасбларининг айтишларича, унинг ижоди нозиклик, доимий ўзгарувчан борлиқ моделини англаш жараёнидан иборат. Шу сабабдан ҳам унинг асарлари замонавий услубга мойилдир.

Неъмат Жўраевнинг «Наргиз», «Нилуфар» каби суратлари нозик юмор ва шарқ фалсафаси билан сингдирилган. Ўзига хос шакли ва бўёқларнинг уйғунлиги билан ажралиб турадиган портретларда образлар чуқур ифода эттирилган. Оксана Ищенко, Елена Камбина асарларида эса ижодий изланиш ва мукаммалликка бўлган интилиш мавжуд.

— Бу сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон мўйқалам усталарининг Россия пойтахтидаги биринчи кўргазмаси, — дея сўзини бошлади «Мастер» арт-галереяси директори Инна Хегай. — Бундан мақсад — мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатда содир бўлган ўзгаришларни ўзида ёрқин акс эттирган ёш рассомлар ижодини намойиш этишдир. Бу шунингдек янги мавзулар, ифода этишнинг янги восита ва услублари ҳамдир. Ёшлар ижодида шарқ ва ғарб маданиятларини бир-бирига қориштиришга бўлган интилиш сезилиб туради. Москваликлар учун кўргазмамиз чинакам янгилик бўлди.

Исмоил ШАРОПОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Москва.

ҲАШАРОТГА БУЮРТМА

БЕКОБОД туманидаги хўжаликлараро биофабрикада тайёрланаётган фойдали ҳашаротлар пахтачиликда кўсак қурти, ўргимчаккана, шира ва бошқа зараркунандаларга қарши қўлланилиб, яхши самара бераётир. Айни кунларда 1999 йил учун фойдали ҳашаротларни кўпайтириш қизғин бошлаб юборилди.

Бу йил биофабрика аҳли 8 миллион хабробракон, 120 килограмм трихограмма, 1 миллион дона олтинкўз сингари фойдали ҳашаротлар тайёрлашни мўлжаллади. Бу фойдали ҳашаротлар 20 минг гектар ердаги ғўза зараркунандаларига қарши биологик йўл билан курашиш имкониятини беради. Вилоятимизнинг Бўка тумани ва Сирдарё вилоятининг айрим пахтакор хўжаликлари ҳозирданоқ фойдали ҳашаротларга буюртма беришмоқда.

Турсунали УСМОНОВ.

ЙИЛ ЯКУНИ ТАҲЛИЛИ

МАҚСАДИМИЗ – ДУНЁ БОЗОРИГА ЧИҚИШ

БИРЛАШМАМИЗ жамоаси янги йилни кўш байрам сифатида нишонлади. Худди шу куни корхона ишга туширилганига ўн йил тўлди. Шу даврда бу ерда ишлаб чиқариш кенгайди, янги бўлинмалар фойдаланишга топширилди. Ишчи-хизматчилар сафи ҳам кўпайиб, шаҳар аҳолисини иш билан таъминлаш масаласи 25 фоиз қисқарди. Жамоа сўнгги йилларда режаларни ҳам мунтазам ортиғи билан адо этмоқда.

Жамоамиз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли вазифаларни муваффақиятли бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Биз мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қалин қоғозлар, гофро қутилар, шунингдек, толали плиталар етказиб беряпмиз. Бу маҳсулотларга эҳтиёж эса йил сайин кўпайиб бормоқда. Унинг харидорлари хорижда ҳам бор. Ишчи-хизматчиларимиз барча буюртмаларни вақтида ва сифатли бажариш, мижозлар олдида уялиб қолмаслик учун янги-янги имкониятларни ишга солмоқдалар.

Аввало мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Барча асбоб-ускуналарнинг бир маромда ишлашига эришиляпти. Бунинг учун техника қаровини пухта ташкил этганмиз. Йўл-йўлакай содир бўладиган нуқсонлар зудлик билан бартараф этилмоқда. Айни вақтда мавжуд асбоб-ускуналар белгиланган маълум вақтдан кечиктирилмай таъмирланяпти.

Маълумки, корхонамизда фақат чет эллардан келтириб ўрнатилган асбоб-ускуналар фойдаланиляпти. Улар Россия, Франция, Финляндия ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган. Фан ва техниканинг энг сўнгги ютуклари асосида яратилган технологик линиялар, асбоб-ускуналар мураккаблиги ва нозиклиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам улар асраб-авайлаб ва эҳтиёткорлик билан бошқарилмоқда.

Замонавий асбоб-ускуналар ва ишчи-хизматчиларимизнинг маҳорати бир-бирига уйғунлашиб кетганлиги учун ҳам кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил кўпайтиряпмиз. Ўтган хўжалик йилининг натижаси ҳам шундан далолат бериб турипти. Ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳажми 800 миллион сўмлик атрофида бўлди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 10 фоиз ўсишга эришилганини кўрсатади. Асосий маҳсулот турларини тайёрлашда ҳам ижобий силжишларга эришилди. Буюртмачиларга 7,5 минг тонна қалин қоғозлар, 9,5 миллион квадрат метр гофро қутилар, 111 минг квадрат метр ҳажмда толали плиталар етказиб берилди. Айни вақтда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам ортди. Истеъмол бозорига чиқарилган бундай маҳсулот ҳажми 30 миллион сўмликка яқинлашиб қолди.

Юқорида айтганимдек, маҳсулотларимизга эҳтиёж катта. Чунки бизнинг корхонамиз республикадагина эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. Гап фақат шундагина эмас. Маҳсулотимиз сифати ҳам талабга жавоб берадиган даражада. Шу сабабли қатор хорижий давлатлар билан мамлакатимизда ташкил этилган қўшма корхоналар ҳам уларни сотиб олмоқдалар. Тўйтепадаги «Ўзбек — Кобул», Тошкентдаги «Такойч», «Попфейн», «Айлин», «Сан Вайн» сингари ўнлаб қўшма корхоналар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, биз бевосита Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, кўплаб қандолатчилик фабрикалари, ёғ-мой комбинатлари, савдо корхоналари каби буюртмачиларга ҳам маҳсулот етказиб беряпмиз. Уларнинг ҳар бири билан икки ўртада шартнома тузилди. Унга доим амал қилишга интилмоқдамиз. Буюртмачилардан ҳам шуни талаб қиляпмиз. Натижада ишлаб чиқарилган маҳсулот пешма-пеш жўнатилиб, омборда ётиб қолмаяпти.

Ички бозордаги нуфузимиз ортиб бормоқда. Лекин мақсадимиз дунё бозорига ҳам чиқиш. Албатта, бу жуда мушкул вазифа. Лекин унинг уддасидан чиқиш мумкин. Шу мақсадда турли йўлларни излаяпмиз. Корхонамиз очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, акцияларимизни эркин сотиш қатори чет эл сармоядорларига сотиш учун ҳам ажратдик. Шу сабабли қатор хорижий нуфузли фирмалар, сармоядорлар унга харидор бўлишяпти. Бу бизга чет эл сармоясини жалб қилишда кенг имкониятлар эшигини очиб беради, албатта.

Шу ерда бир мисол келтирмоқчиман. Хабарингиз бор, икки йил муқаддам бирлашмада целлюлоза ишлаб чиқариш бўйича тажриба ишлари олиб борилган эди. Лекин у ўзини оқламади. Мавжуд имкониятларимиз бунга йўл бермади. Лекин целлюлоза республикамиз учун жуда зарур маҳсулот. Ҳозир эса у фақат чет эллардан келтириляпти. Биз бошланган бу хайрли ишни чала қолдирмоқчи эмасмиз. Шунинг учун Россиядаги Салломбальский қоғоз-целлюлоза ишлаб чиқариш комбинати билан мулоқотда бўлдик. Бу корхона бизнинг эркин савдога чиқарган 50 фоизга яқин акциямизни сотиб олиш ниятини билдирди. Бу, аввало, мамлакатимизда қоғоз-целлюлоза таъминотини барқарорлаштириш, қолаверса, бирлашмамизда бундай маҳсулотни ишлаб чиқариш янги технологияларни жорий этишга ёрдам беради.

Швейцариялик ишбилармонлар билан ҳам иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан музокаралар олиб боряпмиз. Бу мамлакатнинг «Петролекс» фирмаси бизга Франция, Германия ва Исроил фирмалари биргаликда ишлаб чиқарган энг замонавий ускуналарни таклиф қиляпти. Албатта, бу борада бир битимга келсак, бунга қатъий ишонаман, натижаси яхши бўлади.

Яқинда Парижда бир неча мамлакатлар вакиллари иштирок этган катта анжуманда қатнашишга муяссар бўлдим. Унда жаҳондаги кўпгина нуфузли фирмалар қатори бирлашмамизга ҳам катта мукофот — «Олтин юлдуз» топширилди. Бу ҳам ташқи иқтсодий ҳамкорликнинг амалий натижаси ва жамоамизнинг бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамай муваффақиятли ишлаётганлиги тақдиридир, жаҳон бозорига чиқиш учун ишонч белгисидир. Шу анжуманда қатор фирмалар, шу жумладан, Франциянинг «Клекстрал» фирмаси раҳбарлари билан учрашдим. Унда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилдик.

Ташқи бозорга чиқишни асосий мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу хорижлик фирмалар, сармоядорлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, илғор технологиялар ва замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, демак, бозор иқтисодиётининг энг муҳим талаби — маҳсулот сифатини яхшилашнинг янги-янги имкониятларини ишга солишни талаб этади. Биз шу йўлдан бораверамиз.

Шавкат ОСМОНОВ,
Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик бирлашмасининг бош директори.

ҲАЁТ ДАРЁСИНИНГ ИРМОҚЛАРИ КЎП

***ЖАМИЯТИМИЗ** ривожи йўлида шундай воқеаларга шоҳид бўлмоқдамизки, улар ўз мазмуни ва аҳамиятига кўра асло эскирмайди, аксинча вақт ўтиши жараёнида янада такомиллашиб турмуш тарзимиз фаровонлашувига, маънавиятимиз бойишига хизмат қилаверади. Президентимиз томонидан 1998 йил 28 октябрда эълон қилинган фармон худди ана шулар сирасига кириши билан алоҳида эътиборга лойиқдир. «Муқаддас динимиз, қадриятларимиз... одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини... таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин», — дейилади унда.*

Фармон ва ижро

Айни пайтда фармонда жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий урф-одатларимизни жорий этишга эътибор кучайтирилиши кераклиги ҳам таъкидланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзига хос бу долзарб дастуриламал ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган ислоҳотлар самараси билан бевосита боғлиқдир. Зеро, унинг туб заминида азалдан мавжуд бўлган серфайз, халқчил удумларни, хусусан, тўйларини дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, ман-манликдан ҳоли этишга қаратилган аниқ мақсад ўз ифодасини топди.

Бу бежиз эмасди. Кейинги йилларда оёғи ердан узилиб, оддий кишилар билан мутлақо ҳисоблашмай қўйган, ўзи хон, қўланкаси майдон мансабдорлар ўтказаётган тантаналар, маросимлар омманинг ғашига аллақачон тегиб, одамларда нафрат ҳиссини кўзғота бошлаган эди.

Фармоннинг моҳияти хусусида, айниқса, бугунги рўзи рамазонда алоҳида сўз юритиш ўринлидир. Парвардигор биз мусулмонларга Рамазон ойида ўттиз кун рўза тутишни фарз қилиб қўйган экан, бизнингча мана шу муддат айни вақтда ҳар биримиз учун маънавият ва маърифат ойи деб ҳисобланмоғи лозим. Ҳар кунги саҳарлик ва ифторлик вақтларида оила бошлиқлари, нуроний бува, бувилар билан ўғил-қизлар ҳамда набиралар ислом илми, ахлоқ ва одобдан баҳраманд бўлишларининг файзи қанчалик улуғ.

Лекин, айрим ҳолларда худди тўйларимиздаги каби Рамазон рўзаси билан боғлиқ бўлган ифторликда ҳам дабдабабозликка йўл қўйилмоқда. Баъзан бу тадбирга эллик ва юз нафарлаб одамлар, рўза тутган ва тутмаганлар ҳам таклиф қилинадилар. Илгариги йиллардаги кузатувлар шуни кўрсатдики, айрим ҳолларда рўзадорлар ўттиз кун давомида бор-йўғи фақат бир кунгина ўз уйларида ифторлик қилиш имкониятига эга бўларканлар.

Бизнингча, ифторликларимизни ҳам меъёрга келтириб, фақат оила аъзолари даврасидагина ўтказсак, ортиқча моддий ҳаражатларни камайтириш билан бир қаторда, катта маънавий-маърифий ютуқларга ҳам эришган бўлардик. Энг файзли ифторлик ва саҳарлик уларнинг оила бошлиқлари билан ўтказилганидир, деб биламиз.

Донишмандларимиз айтганидек, ҳаётнинг маъноси орзуниятлар сари интилишнинг гўзаллиги ва қудратидадир. Шунинг учун тирикликнинг ҳар дақиқаси ўзининг юксак мақсадига эга бўлиши керак. Ва ҳар қандай мақсад шодликка эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Жумладан, Аллоҳ таолонинг биз мусулмонларга Ҳайит намозларини ўқишни фарз қилишининг асл моҳияти айни ийд кунлари мусулмонларнинг дўстлиги, қардошлигини янада мустаҳкамлаш ва жипслаштиришни кўзда тутади. Камбағал, бева-бечораларга фитр садақаси улашиш, бор бўлса, ўтганларни хотирлаб, қурбонлик қилиш, ота-она ва кексаларни, ҳаракатдан бенасиб беморларни йўқлаш, ана шундан кейингина қалбларни қувончга тўлдириб, байрам қилиш бу айёмнинг туб мазмунидир.

Таажжубли томони шундаки, Аллоҳ томонидан бизга ато этилган хурсандчилик байрамимизга таъзияларни аралаштириб юборганмиз. Уч кунлик Ҳайит байрамида янги келин тушган хонадонга ўйин-кулгу, таъзияли оилада эса фотиҳагарчилик, мотам... Гоҳо ана шу уч кунлик байрамда фотиҳагарчиликларга машинада юриб ҳам улгура олмайсиз.

Шу маросимлар Худо томонидан фарз қилиб қўйилган бўлса ҳам майли эди. Ҳатто, ислом динининг тарихига оид кўп китоблар ёзган Муҳаммад Ҳузарий ибн Шайхнинг «Нур-ул-яқин», Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммади» каби асарлари ва бошқа кўплаб китобларда ҳам бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган.

Президентимиз фармонларини ҳаётга татбиқ этишга бағишланган туманимиз фаоллари Кенгашида сўзга чиққан ҳурматли имомимиз Яҳёҳожи Турдиев шундай дедилар: «Ҳайит — бу байрам дегани. Ўттиз кун рўза тутиб соғ-саломатлик билан шу кунларга етиб келганимиз шарафига хурсандчилик қилиш демакдир. Унда тўкин дастурхон ёзиб, эшик олдида уч кунлаб бел боғлаб мотам тутиш одати ҳеч каерда айтилмаган. Бундан буён биз унга чек қўйишимиз керак. Унинг ўрнига марҳумлар хотирасини ҳурмат қилмоқчи бўлган одамлар қабристонларни обод қилишсин. Зарурият бўлса, марҳумларнинг оиласи ва етим болаларига ёрдам қилайлик. Ҳайит куни фотихагарчиликни хохлайдиган одамлар бўлса ичкарида алоҳида жой қилиб, эшик олдида бел боғлаб турмасдан, уйда ўтираверсин. Яқин одамлари кириб, фотиҳа ўқиб кетаверади».

Шуни айтиш керакки, диний урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга зид бўлган, тараққиётимизга тўсқинлик қилиб келаётган бундай иллатларга барҳам беришнинг бош йўли кенг жамоатчилик қўлидадир. Бу иш биринчи навбатда маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кенгаши ва масжидлардаги ҳурматли имомларимиз зиммасидадир.

Биз фармонда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда маҳалламиз дастурини ишлаб чиқдик. Унга мувофиқ, ифторлик ва худойилар ихчамлаштирилмоқда. Ҳайит арафасида хонадон, кўча ва қабристонларни ободонлаштириш, марҳумлар хонадонига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, қаровчиси йўқ, ёлғиз, ногирон ва кам таъминланган оилаларга фитр садақасини уюштириш, ётиғлиқ касалларни ҳайит кунлари йўқлашни режалаштирдик. Ҳайит қилаётган келинлар дастурхонига қилинадиган тоғора ва тугунлар, сарполар сони ҳам меъёр даражасига келтирилади. Умуман, Ҳайитни катта байрам сифатида нишонлашга келишиб олдик.

Ҳа, ҳаёт дарёсининг ирмоқлари кўп. Доно халқимиз тўй-тўйдек бўлсин, деганидек, байрамларимиз ҳам байрамдек ўтиши керак. Умуман, юртбошимиз фармонига амал қилган ҳолда маҳалламизда барча анъаналарни серфайз ва ихчам ўтказиш борасида амалий ишларни кенг йўлга қўймоқдамиз.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли.

ПСКЕНТ туманидаги Музайяна Алавия номидаги кутубхона ўзининг кўплаб ўқувчиларига эга. Ҳозирги кунда унга аъзо бўлганлар сони 3150 нафар кишидан ошди.

— Баъзан, ҳозирги ёшлар китоб ўқимай қўйди, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади, — дейди кутубхона ходимаси Зарифа Олимжонова. — Аммо, бу фикрга унчалик қўшилиб бўлмайди. Ўзимизнинг кутубхонамиз мисолида айтадиган бўлсак, ўқувчиларнинг ярмидан кўпи ёшлардир. Улар фан-техникага оид асарларни, тарихий, бадиий китобларни қунт билан ўқишади. Бизга ўзларининг таклиф-истаклари, мулоҳазаларини айтишади, тадбирларимизда фаол қатнашишади.

Х. Одилова раҳбарлик қилаётган мазкур кутубхонада китобхонлар сонини кўпайтириш, ўқувчилар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш учун 1999 йилда ҳам кўплаб тадбирлар белгиланди.

Умид АҲМЕДОВ олган сурат.

МУБОРАК РАМАЗОН ТУҲФАСИ

ТАРИХГА ДАХЛДОР ТАСВИРЛАР

ФАЗИЛАТЛИ ва ҳосиятли, ҳам жисман, ҳам руҳан поклониш, солиҳ амаллар ойи ҳисобланган Рамазонда ойнаи жаҳон орқали «Муҳаммадун Расулуллоҳ» кўп қисмли телевизион бадиий фильмининг намойиш этилиши маънавий, маданий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Пойтахтимиз ҳамда вилоятларимизда яшаб турган неча юз минглаб томошабинлар уни катта қизиқиш ва ҳайрат билан кузатиб бордилар. Бунинг сабаби шундаки, фильм маънавий қадриятларимиз манбаи ҳисобланган исломнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши, Аллоҳнинг элчилари — улуғ пайғамбарларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

«Муҳаммадун Расулуллоҳ» фильмининг бу йилги бешинчи фасли Миср Араб Республикаси телевидениесида Абдулҳамид Жуда ас-Саҳҳор асари асосида режиссёр Нур ад-Демирдош томонидан суратга олинган.

Сўнгги бешинчи фасл олдингиларига нисбатан сценарий, режиссура, ифода воситаларида ҳам, санъаткорларнинг ижрочилик маҳоратида ҳам салмоқли ижодий муваффақиятга эришилгани яққол кўзга ташланиб турипти. Кенг қамровли ҳаётий воқеаларни бадиий акс эттирган мазкур эпопеяни ўзбек телетомошабинларига етказишда Ўзбекистон телевидениесининг тажрибали ижодкорлари — режиссёр М. Соатов, режиссёр ассистенти М. Орзиев, овоз режиссёри А. Баҳромов, муҳаррирлар — М. Насриддинова, Ч. Рўзиев, директор Б. Абдуллаев, таржимон — А. Абдужабборов, дубляж усталари — А. Рафиқов, Ҳ. Нурматов, О. Бакирова, F. Ҳожиев, З. Ашурова сидқидилдан меҳнат қилганлар. Персонажларнинг ҳатти-ҳаракати, қиёфаси, характерига мос бадиий сўз, оҳанг, ритм топа олганлар. Экранда гўё ўзбек санъаткорлари ҳаракат қилаётгандек, ўзбекона лутф янграётгандек туюлади.

Одамлар ирқи, жинси, мавқеидан қатъий назар, Аллоҳ олдида тенгдирлар, улар тақводорлиги билангина бир-бирларидан фарқ қиладилар, деган шиор паст табақа кишилари — чўрилар ва қуллар ўртасида мамнуният билан қутиб олинади. Ислом инсонлар ўртасидаги сунъий тафовутларни олиб ташлайди, жамиятда тенглик, биродарлик, тотувлик ғояларини илгари суради.

Фильмда тақдири турлича кечган Аир, Асмо, Салмон, Бундук, Майсара, Сумайя, Равоҳа ва бошқа персонажларнинг муваффақиятли чиққан образлари бор. Улар ҳаёт машаққатларини, жабру ситамларни мардонавор енгиб ўтадилар. Ислом дини ўзининг ҳаётбахш ғоялари билан уларни бир-бирларига азиз қилиб қўяди. Қул Салмоннинг озод қилиниши учун Пайғамбаримизнинг ўзлари ёрдамга шошиладилар. Ҳақ-ҳуқуқсиз, мазлум қул озодликка чиқиб, пайғамбарнинг саҳобаларидан бирига айланади.

Қора кучлар тимсоли бўлган Абу Сўфён, Абдуллоҳ, Ҳинд, Финхос, Шос мусулмонлар ўртасида адоват уруғини сепиш, уларни бир-бирига гижгижлаш учун ҳар қанча уринмасинлар, шум ниятларига етолмайдилар. Ислом қудратли кучга айланиб, уларни йўлидан супуриб ташлайди. Қандай юксак лавозимни эгаллашига қарамасдан бандаларнинг ёмон ниятда иттифоқ тузишлари, дўстлашишлари мумкин эмас. Қурайш қабиласи саййидларининг Бадр жангининг биринчи куниёқ жон таслим этишлари бунга яна бир далилдир.

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот шўъбасининг «Муҳаммадун Расулуллоҳ» фильмини айнан бизнинг мамлакатимизга рамазон туҳфаси сифатида тақдим этилишининг рамзий маъноси бор. Бу халкимизга иззат-эҳтиром белгисидир. Марказий Осиёдаги қўшни давлат томошабинлари ҳам ундан баҳраманд бўлмоқдалар. Элчихона ахборот шўъбасининг аввалги ва ҳозирги раҳбарлари олийҳиммат Масди Дайф ва Раъфат ас-Сабаъ саъй-ҳаракатлари билан беш йил давомида фильм Ўзбекистонга келтириб турилди.

Мирзо Анвар КАРИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси ахборот бўлимининг мудири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• ЎТГАН якшанба куни Қозоғистон Республикасида президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Унда тўрт нафар номзод қатнашди. Ҳозирги президент Н. Назарбоев, Қозоғистон компартияси раҳбари С. Абдилдин, бож қўмитаси раиси F. Қосимов, парламент депутати, экология ҳаракатининг раҳнамоси Э. Габбасовлар давлат бошлиғи курсисини эгаллаш учун беллашдилар. Сайловларнинг дастлабки ҳулосалари эълон қилинди. Сайловчиларнинг 81,7 фоиз овозини олган 58 яшар Н.Назарбоев етти йиллик муддат билан президент этиб сайланди.

• 11 ЯНВАРЬ куни Финляндия ташқи ишлар вазири Таря Халоненнинг Латвияга расмий ташрифи бошланди. У Ригада ҳамкасби Валдис Биркавс билан Оврупо Иттифоқининг кенгайиши, Болтиқ минтақаси ва Оврупода хавфсизлик, икки томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиши кўзда тутилган.

• ПОКИСТОН ҳукумати Ҳиндистон маъмуриятига икки мамлакат ўртасида содир бўладиган қалтис вазиятларда оддий ва ядровий қуролларни қўлламаслик бўйича чора-тадбирлар тартибини ишлаб чиқиш имкониятларини муҳокама қилишни таклиф этди.

• АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэннинг Филиппин мудофаа вазири Орландо Меркадо билан бўлган учрашувида ҳарбий соҳада икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланиши ва қатор халқаро муаммолар хусусида сўз борди.

• ФРАНЦИЯ президенти Ж. Ж. Ширак Исроил ва Фаластин мухториятининг маъмурларини Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш борасида эришилган барча келишувлар талабларига қатъий риоя қилишга чақирди.

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши Съерра-Леонедаги исёнчилардан дарҳол қуролларни топшириш ва барча зўравонликларга чек қўйишни талаб қилди. Кенгаш «тахт талашаётган» Бирлашган инқилобий фронт жангариларини тинч аҳоли, энг аввало, аёллар, қариялар ва болаларнинг қатағон қилишни тўхтатишга чақирди.

• ОВРУПОДА Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг янги раиси — Норвегия ташқи ишлар вазири К. Воллебэк Болқон мамлакатларига беш кунлик сафарига тараддуд кўриш чоғида матбуот анжумани ўтказди. У Косовода тинчлик ўрнатиш жараёнини зудлик билан тиклаш ва халқаро кузатувчиларни минтақага қайтариш лозим, деди. Айни пайтда 2 минг кузатувчидан атиги 800 нафар кишининг фаолият кўрсатаётганлиги вазирни қониктирмаган чоғи.

АСОСИЙ МАВЗУ — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

МАНА, бир неча йилдирки, айрим халқаро ташкилотлар Хитойда инсон ҳуқуқлари кўпол равишда бузиб келинаётир, деган хулосада турган эди. Лекин, кейинги пайтларда Хитой раҳбарлари бу масалага ойдинлик киритиш учун саъй-ҳаракатлар кўрсатмоқда. Деярли тўрт йиллик танаффусдан сўнг яқинда АҚШ ва Хитой инсон ҳуқуқлари бўйича икки томонлама музокараларни давом эттиришга келишиб олганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. «Си-Эн-Эн» телекомпанияси мухбири тарқатган хабарда қайд этилишича, келаси ҳафтанинг душанба куни бошланажак музокараларда Хитойда инсон ҳуқуқлари қай даражада таъминланаётгани ҳақидаги фикрлар асосий мавзу бўлади. Шунингдек, Хитойда катта шов-шувга сабаб бўлган бир неча суд жараёнлари ҳам инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан муҳокама этилади.

САЙЛОВ ЁҲУД РЕФЕРЕНДУМ?

ПРЕЗИДЕНТЛИК лавозимида кўп ўтирган арбоблар сирасига Сурия президенти Хафиз Ал-Асад ҳам киради. Унинг истиқболда бўладиган сайловларда президентлик лавозимига бешинчи марта қайта сайланиши эҳтимоли бор.

Сурия парламенти раиси Абдул Қодир Қодуранинг гапларига қараганда, 8 февраль куни мамлакатда Ҳ. Ал-Асаднинг ўз лавозимида қолишига бағишланган умумхалқ сўрови — референдум ўтказилиши мумкин. Масалага равшанлик киритиш маъносида шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда Ҳ. Ал-Асаднинг халқ ўртасидаги обрў-эътибори жуда ҳам баланд. Қолаверса, мамлакатда 1991 йилда ўтказилган президент сайловларида у 99,9 фоиз овоз олган эди. Шунинг учун ҳукумат вакиллари сайлов ўрнига референдум ўтказишни афзал кўрмоқдалар.

«ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН» ЖАРАЁН

БУНДАН БИР НЕЧА йил муқаддам Шотландиянинг осмонида катта фожеа юз берган эди. Ўшанда «Пан-Америкэн» ҳаво кемаси портлаб кетиб, 200 нафардан зиёд йўловчилар ҳалок бўлган эди. Бу воқеадан кейин ўтказилган суриштирув ишлари мазкур фалокатда Ливия фуқароси бўлган икки кишининг қўли бор, деган хулосага олиб келди. Аммо, гумондорларни тутиш ишлари ҳали-ҳануз ниҳоясига етгани йўқ.

Ўтган йил охирида Ливия ҳукумати ўзининг террорчиликда айбланаётган икки фуқаросини Нидерландияда суд қилинишига розилик берган эди. Аммо, террорчиликда гумон қилинаётганлар айбдор деб топилган тақдирда қамоқ жазоси Ливия ҳудудида ўталиши лозим, деган талаб ҳам қўйилди. Худди мана шу масала сабабли суд жараёни яна чўзилиб кетди.

Катта шов-шувларга сабаб бўлган ва ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган «Локерби иши»да Жанубий Африка ҳамда Саудия Арабистони давлатлари ўз вакилларининг воситачи бўлишга тайёр эканликларини билдирдилар. ЖАР президенти Нелсон Мандела Буюк Британия бош вазири Тони Блэр билан учрашган чоғда воситачилар ушбу иш бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Ливия ҳукумати вакиллари билан музокаралар ўтказади, деди. «Туя гўшти еган» жараён энди жойидан силжиса, ажаб эмас.

БИР ЁҚДА ТЎЙ, БИР ЁҚДА АЗА

ЯҚИНДА Японияда император Акихито тахтга ўтирганлигининг ўн йиллиги нишонланди. Ўша куни Акихито ўз отаси ҳобгоҳи — Мусашино мақбарасини ҳамда император Хирохитонинг қабрини зиёрат қилди.

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг фикрича, умуммиллий байрам сифатида нишонланиши лозим бўлган бу кун аҳоли учун муайян ноқулайликларга сабаб бўлди. Зеро, ўн йил муқаддам 7 январь куни Акихито тахтга ўтирган эди. Аммо, худди шу куни император Хирохито оламдан кўз юмган эди. Шу сабабли аҳоли қаттиқ андиша чекмоқда. Бир тарафдан Акихитонинг тахтга ўтирганини байрам қилиш керак бўлса, иккинчи томондан Хирохитонинг хотираси туфайли мотам тутиш лозим бўлади. Шарҳчилар келажакда бу ҳолатга аниқлик киритилса керак, деб умид қилмоқдалар.

«ҚУЁН ТЕРИСИДАГИ ҚЎЧҚОР»

ПОЛЬШАНИНГ Ольштинск воеводосидаги Кабарно қишлоғи чеккасидаги бир қўрғонда бўлиб ўтган воқеалар ҳамон одамларнинг тилидан тушмаётир. Гап шундаки, ўтган йил сентябрида Вальдемар Барановский деган кимса ов милтиғидан икки кишини «бехосдан» отиб ўлдиради. Уларнинг бири эстониялик Томи Пильдма, иккинчиси латвиялик Денис Козловскийлар экан. Уй соҳиби «тунги меҳмонлар»дан қўрқиб кетиб, юқоридаги ишни содир этганлигини эътироф этади.

Бироқ, «қилни қирқ ёрган» терговчилар ва полициячилар анойи эмас экан. Калаванинг учидан ушлаган адлия ходимлари ҳадемаёқ сирни фош эта бошладилар. Сир бўлганда ҳам ўта чигал, устомонлик билан уюштирилган жиноят очила бошлади.

...1995 йилда Эстония жиноят оламининг «отахони» Михаил Горбачев билан Чеченистон тўдаси ўртасида қаттиқ келишмовчиликлар юз беради. «Краснодар гуруҳи» бошлиғи М. Горбачев рафиқаси ҳамда ҳамтовоғи Т. Копельман деган шахс билан Польшага қочишга мажбур бўлади. Улар анча маҳал Кабарно қишлоғида яшириниб юрадилар, охир-оқибат уларни В. Барановский ўз «қаноти» остига олади. Лекин, Т. Копельман билан тил бириктириб, М. Горбачев ва унинг рафиқасини тириклай тобутга ётқизиб, отиб ташлайдилар.

Яқинда отиб ташланган «тунги меҳмонлар»нинг бири — сохта ҳужжат эгаси Т. Копельман эканлигини уй соҳиби дарҳол фаҳмлаган эди. Чунки,у Эстонияга қайтиб, М. Горбачев ўрнига «отахон» бўлиш илинжида кетган эди. «1995 йилдаги фожеанинг гувоҳи йўқ қилиниши керак». Қатъий қарорга келган В. Барановский шу тариқа меҳмонларни гумдон қилган эди.

Тафсилот фақат шугина эмас. Маълум бўлишича, В. Барановский 15 йил Таиландда «синовдан ўтган» наркобизнес шоввозларидан бири экан. У Польша орқали Скандинавия мамлакатларига гиёҳванд моддаларни ўтказиш ишларига раҳбар бўлган. Лақаби ҳам «қўчқор» экан. У Кабарнони наркобизнес «пойтахти»га айлантириш умидида яшаб келган экан.

Тергов ишлари давом этмоқда.

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ГЎШАЛАРИДА

ДОЛЛАРНИНГ УЗОҚ «САФАРИ»

• АҚШ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ахборот марказининг маълумотларига қараганда, айни пайтда бутун жаҳон бўйлаб 420 миллиарддан зиёд доллар муомалада айланиб юрибди. Бу ҳажмнинг учдан икки қисми АҚШдан ташқарида «ишламоқда». Учдан бир қисми яъни 140 миллиард доллар Американинг ички бозорини тебратиб турипти. Америкада биринчи марта қоғоз пул чиқарилган 1861 йилдан буён доллар муомаладан чиқарилмади, деноминация ёхуд девальвацияга ҳам учрамади.

ҲАЁЛ ЭМАС, ҲАҚИҚАТ

• ТАБОБАТ ОЛИМЛАРИ айни пайтда жуда катта илмий ютуқларни қўлга киритдилар. Жарроҳларнинг таъкидлашича, 2030 йилга борганда 60 яшар бува 35 яшар ёш жувон қиёфасига эга бўлиши мумкин. 20-30 йилдан сўнг насл-муҳандислик услублари билан кўкрак шаклини, кўз рангини ўзгартиш, қарилик жараёнларига бемалол таъсир этиш мумкин бўлади. 2020 йилларда саратон (рак) хасталигини кўзғатувчи унсурларга қарши курашиш усули вужудга келади. «Кал» деган тушунча мутлақо истеъмолдан чиқиб кетса, ажабмас. Лекин, XXI аср кўпчиликни семириш балосига гирифтор қилиши мумкинлиги ҳам кутилмоқда.

Ё, ТАВБА!..

• ОЛМОНИЯНИНГ ГАННОВЕР шаҳрида антиқа шифохона ишлаб турипти. Унинг фаолияти билан танишган одамнинг «ё, тавба» демай иложи йўқ. Чунки, бу ерда руҳий касал тўтилар даволанади, қўлбола балиқчалар сақлаш юзасидан маслаҳатлар берилади, овқатдан қолган калтакесаклар рентгендан ўтказилади, отларнинг томоқлари созланади, каламушларга антибиотиклар тайинланади, қўённинг ўпкаси эшитилади... «Қисқаси, — дейди мазкур ветеринария институти собиқ ректори Карл Теодор Фридрих, — бу жойда бутун жонзотнинг саломатлигини тиклаш мумкин. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган асбоб-ускуналарни айтмайсизми? Муолажа учун тўланадиган ҳақ «мижоз»нинг баҳосидан ошмайди. Шифохона дўхтирлари йил бўйи тинмай фаолият кўрсатадилар».

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ЯХШИЛАР ЁДИ

«ТИК ҚОЯ БОШИДА ТУРАР БИР ОҲУ»

Кўнглимда ушалмас армон бор. Бу армон ҳеч качон мени тарк этмайди. Зиммамда узилмаган бир қарз бор. Умр бўйи ана шу қарзни уза олармиканман?! Кўнглимда бир юпанч бор. Бу юпанч кўрган кунларимга шукроналик юпанчидир. Назаримда ўсмирликнинг ўзига хос хою-хаваслари бўлади. Ана ўшанда сени тўғри йўлга солиб юрган одам муаллими сонийдир. Сени тушунадиган, дардингга, армонларингга шерик бўладиганларгина устози аввалдир.

Ҳассос шоир Хайриддин Салоҳ ана шунақа муаллими соний, устози аввал бўлган табаррук ва унутилмас инсонлардан бири эди.

Хайриддин Салоҳ... У киши шеър ўқиганида овози тўлқинланиб, ўзи эса ҳаяжонлана бошларди. Унинг овозидаги табиий титроқ оҳанги баралла сезилиб турарди. Ортиқча ҳаяжон эса тингловчиларнинг салобатиними, ҳайратиними ҳис қилгандек, унга нимадир ҳалал бераётгандек туюларди. Назаримда Хайриддин аканинг ўзига хос янгроқ овозида тоғлар виқори, барглар шивири, елларнинг майин-майин эсиши элас-элас эшитилиб турганга ўхшарди. Майинлик, табиий ширадорлик, самимият оҳанглари йўғрилган оташнафас сатрлар қалбингизни бирдан жунбушга келтириб, дилингизни нурга, зиёга тўлдириб юборарди... Унинг «Кийик» номли шеъри бор. У шундай бошланади:

Тик қоя бошида турар бир оҳу,
Қўрқаман, йиқилиб тушмаса оҳ, у.

Хайриддин Салоҳ ва унинг шеърлари деганда табиатнинг бир лаҳзалик манзараси келади кўз олдимга. Унинг шеърларини ўқиганимда шамоллар беланчагида айланиб, чарх ураётган юракнусха баргиҳазон, ирмоқларнинг гулдираши-ю, сайроқи қушларнинг чағир-чуғури, майсаларнинг майин тебраниши, тоғларнинг салобати, водийларнинг маҳобатли такрор билмас гўзаллиги саф-саф бўлиб кўз ўнгимдан ўтаверади.

Ҳайриддин акадан «Чашма», «Иккинчи имтиҳон», «Туғён», «Ишким ва рашким», «Наъматак», «Излар ва ҳислар», «Оҳу» каби шеърий манзумалар, «Лайло», «Вафо», «Қўштерак», «Янгроқ ҳаёт», «Тошкент билан суҳбат», «Наъматак» каби лирик достон ва балладалар мерос бўлиб қолди.

Шу қадар лабига келган қоянинг,
Нега кўзи бежо, қулоқлари динг...

Ҳайриддин Салоҳнинг таржимаи ҳоли жуда қисқа. У 1934 йили Тошкентда хизматчи Салоҳиддин аканинг оиласида учинчи фарзанд бўлиб дунёга келган. У кишининг сингиллари Вазира опам узоқ йиллар маориф соҳасида ишлаб, ҳозир қарилик гаштини сурмоқдалар. Афсуски, Ҳайриддин аканинг фожиали ўлимидан сўнг кўп ўтмай акалари Ҳусниддин ҳам, Фахриддин ҳам дорилбақога рихлат қилишди. (Илоҳим, охиратлари обод бўлсин).

Ё кўриб қолганми, сайёд қорасин,
Ё излар бирорта жигарпорасин.

Ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат педагогика институтида ўқиди. Талабалик йилларидаёқ унинг шеърлари ихлосмандлари қалбидан мустаҳкам ўрин олди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» («Ўзбекистон маданияти») газетаси ва «Гулхан» журналида ишлади. Тошкент вилоятининг Зангиота тумани пионер ва ўқувчилар уйида адабиёт тўгарагини олиб борди.

Ҳайриддин ака устоз Ғайратий бошқарган адабиёт тўгарагидан чиққанлиги билан фахрланиб юрар эди. Ғайратий домла бошқарган бу тугарак ўзбек адабиёти учун тарихий аҳамиятга молик десам, янглишмаган бўламан. Шеъриятимизнинг номдор шоирлари Эркин Воҳидов, Юсуф Шомансур, Анвар Эшонов, Анвар Исроилов, Тўлқин, Сайёр, Тўлқин Илҳомовлар мана шу тўгаракнинг фаол иштирокчилари бўлишган.

Ё сув ичмоқ учун қоядан тикка,
Сакраб тушмоқчими, пастликка.

Ҳайриддин ака нафақат яхши инсон, самимий дўст ҳам эди. У биз ёш қаламкаш дўстларининг яқин сирдоши, меҳрибон устози ҳам эди. Биз унинг таъбири билан айтганда, «укахонлари», шогирдлари Темур Убайдулло, Эмин Усмон, Рауф Толиб, Абдулҳай Носиров, Сабриддин Садриддинов, марҳум Шуҳрат Умаров ва Сайфулло Илёсовлар ҳали тетапоя бўлмиш илк машқларимизни у кишининг нигоҳидан ўтказиб олишга ошиқардик.

Оҳ, у дамларнинг севинчи, ҳайрати, Ҳайриддин ака билан ҳар бир учрашувимиз, мулоқотимиз бизларга оламолам қувонч ва завқу-шавқ бағишлагани рост. Беихтиёр унинг ўтли нидолари ёдга келади:

Туриши шу қадар тоққа ярашган,
Мен эса тўймасдим узоқ қарашдан...

Ўсмирлик дамларининг ҳамдами бўлмиш катталар ҳамиша ҳам кўнглингда чуқур из қолдиравермайди. Аммо Ҳайриддин ака ғоятда дилбар ва дилкаш инсон бўлганидан ҳали ғўр машқларимизни тузатишдан эринмас. Сабр-тоқат билан нозик ниҳолларини асраб-авайлар, уларнинг тезроқ мева беришини интиқлик билан кутарди. Ахир у ўшанда эндигина йигирма тўққиз ёшга кирган эса-да, шеърхонлари қалбини забт эта олган забардаст шоир эди-да.

Ҳар сафар Ҳайриддин аканинг шеърларини мутолаа қилганимда бу шеърлардаги ширадорлик нимада экан, деб ўйлайман. Унинг шеърлари назаримда табиатнинг бир қисми, ажралмас бўлагидир. Ёки унинг сувратларидир.

Ҳу... Оҳу қайгадир кетди тез учиб,
Қоя маъюс қолди қалби увишиб.

Ҳукмингизга ҳавола этаётганим «Кийик» шеърида шоир ўз қисматини кўргандек, унга муносабат билдираётгандек бўлиб туюлаверади менга. Яна билмадим, Ахир Ҳайриддин Салоҳ атиги ўттиз беш йил умргузаронлик қилди, холос. Мана, ўттиз йилдирки, Ҳайриддин Салоҳ жисман орамизда йўқ. Унинг шеърлари, қўшиқлари, балладалари, достонлари, насрий асарлари эса ҳамон қўлма-қўл. Зеро, яхши китоблар ҳамиша ўлим билмасдир.

Кўнглимда бир армон бор. Бу юпанч шукроналик армонлари, узолмаган қарзларим юпанчидир. Бу Ҳайриддин аканинг шеърларидан тузилган хиёбондир. Унинг ўлим нималигини билмайдиган умри боқий китобларидир. Ҳар қалай, ана шу хиёбондан бир бор ўтган муҳтарам шеърият шайдоларининг ҳам умри боқий бўлсин!

Шавкат ТУРОБ.

Суратда: Хайриддин Салоҳ устози Ғайратий билан мулоқотда. (1969 йил.)

МУҲИМ МАЪНАВИЙ МАНБА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси янги — 1999 йил арафасида «Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат» номли китобни кўп нусхада чоп этди.

Унинг муаллифлари — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ходимлари, республиканинг бошқа илмий, ўқув даргоҳлари ҳамда давлат идоралари, жамоат ташкилотларида меҳнат қилаётган олимлар.

Луғат ўз ўқувчиларини мустақиллик туфайли ҳаётимизга кириб келган 200дан зиёд атама, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий тушунчалар, муҳим саналар маъно-мазмунига шарҳлар, изоҳлар, шунингдек, тарихий шахслар фаолияти ҳақида маълумотлар беради.

Халқаро иқтисодий атамалар ва мустақиллик солномаси иловалари ҳам мазкур нашрдан ўрин олган.

А. Жалолов ва Қ. Хоназаров умумий таҳрири остидаги ушбу луғат кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон мустақиллиги масалалари билан қизиқувчиларга муҳим маънавий манба бўлиб хизмат қилади.

ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ СИЙМОСИ

ЎЗБЕКИСТОН Бадий Академияси миллатимиз озодлиги учун курашчи Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йилигига бағишлаб, унинг ҳақиқий сиймосини яратиш учун кўрик-танлов эълон қилган эди.

Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб профессионал ва ҳаваскор расссомлар ўз асарлари билан қатнашди. Халқ қаҳрамони сиймосини яратиш устида узоқ йиллардан бери тинимсиз изланишда бўлиб келаётган рангтасвирчи рассом Тўра Қуриёзовнинг «Жалолиддин Мангуберди» портрети улар орасида энг яхшиси деб эътироф этилди.

МАРОҚЛИ КЎРГАЗМА

АКАДЕМИК рассом Ўрол Тансиқбоев уй-музейида тошкентлик мўйқалам устаси В. Шевченконинг шахсий кўргазмаси очилди.

Унда рассомнинг кейинги йилларда яратган энг сара асарлари намойиш этилмоқда. Муаллифнинг «Ўрик гуллаганда», «Хумсон тонги», «Чимёнда қиш» каби расмлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма очилишида сўзга чиққанлар В. Шевченко, Ўрол Тансиқбоевнинг иқтидорли шогирдларидан бири экани, талабалик йилларидаёқ устози номидаги стипендияга сазовор бўлгани, унинг асарларида серқуёш диёримизнинг гўзал табиати манзаралари ёрқин бўёқларда акс эттирилаётганини таъкидладилар.

(ЎзА).

ОЛАМ ҚИШ ЗАВҚИН ЖАМЛАГАН ЧОҒДА

(Манзара)

Шудгорлар жунжикиб, музлаб толдилар,
Саъвалар чуғурлаб, чуввос солдилар.
Юпун дарахтзорлар ухлаб қолдилар,
Дуварак ғамларим, сиз ҳам ухладингиз.

Олис коинотга ҳоқондир зиё,
Жимжит лаҳзалардир заминда гўё.
Офтоб мудраганда мудрайди дунё,
Дуварак ғамларим, сиз ҳам ухладингиз.

Ўнг қўшним от сўйиб, норин қорадир,
Зўр қўшним тандирга тўнка ёрадир.
Кимга-ким, бир коса унга боради,
Дуварак ғамларим, сиз ҳам ухладингиз.

Изғирин оташни ямлаган чоғда,
Олам қиш завқини ғамлаган чоғда.
Донишлар фикратни жамлаган чоғда,
Дуварак ғамларим, сиз ҳам ухладингиз.

Мен ҳам деёлмасман, ухлаёлмасман,
Қушдек мизғиб олсам, ҳориб толмасман.
Тушкун хаёлларга асло бормасман,
Дуварак ғамларим, сиз ҳам ухладингиз.

Турсун МУҲАММАД.

*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

1998 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИЛАРИ

Анъанага мувофиқ Республика Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси янги йилнинг бошланишида 1998 йилда бўлиб ўтган йирик халқаро мусобақаларда ажойиб ғалабалари билан давлатимизнинг спорт шуҳратига шуҳрат қўшган энг моҳир спортчиларнинг номларини маълум қилди.

Йилнинг энг яхши спортчилари рўйхати бокс бўйича 1998 йилги жаҳон кубогини қўлга киритиб, сўнгра Осиё ўйинлари чемпиони бўлган Муҳаммадқодир Абдуллаев номи билан бошланади.

Шунингдек, Баҳром Аваз-ов (кураш), Камол Муродов (дзюдо), Олег Веретельников (енгил атлетика), Сергей Войнов (енгил атлетика), Артур Григорьян (бокс), Рамил Исломов (эркин кураш), Рустам Қосимжонов (шахмат), Эркин Қутибоев (муатай), Сергей Михайлов, Руслан Чагаев, Темур Тўлақов (ҳаммаси — бокс бўйича), Бахтиёр Бозоров (кураш), Татьяна Малинина (фигурали учиш), Баҳодир Қурбонов (юнонча-римча кураш) энг яхши спортчи деб эътироф этилди.

Ўтган йил мамлакатимиз алпинистлари учун ҳам муҳим йил бўлди, улар дунёдаги энг баланд тоғ чўққиси — Эверестни забт этдилар. Бу муваффақият туфайли улар мамлакатимизнинг энг яхши командаси номига эга бўлдилар. Осиё ўйинларида ғолиб чиққан боксчилар терма командасига ҳам энг яхши команда номи берилди.

1998 йилги биринчи умумжаҳон ўсмирлар ўйинлари совриндори — эркин кураш бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма командаси энг истиқболли команда деб тан олинди. Ёш спортчиларимиз Москвадан олтита медал билан қайтдилар. Терма команданинг бош тренери Маъмур Рўзиев йилнинг энг яхши спорт устози деб эътироф этилди.

(ЎзА).

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан бизга хабар қилишларича, 13-17 январнинг дастлабки кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик бўлади. Кечалари ва саҳарда туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 5-10 метрни ташкил этади.

Шу даврнинг иккинчи бўлагида эса ҳарорат бироз пасайиши мумкин. Кечалари 4 даража совуқ, 1 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари 0-5 даража илиқ бўлиши кутилади. Аммо ҳафтанинг охирига бориб ҳарорат яна кўтарилади. Кечалари 0-5, кундуз кунлари 9-14 даража илиқ бўлади.

КИМНИ АЛДАМОҚЧИСИЗ, БИРОДАР!

БАЛОНЛАРИ анча эзилиб, «салмоқланиб» юриб келаётган «Волга» русумли автомашина негадир Тошкент тумани давлат автомобиль назорати ходимлари назарида шубҳали кўринди. Шунинг учун ҳам уни тўхтатдилар.

Машинадан, мен қоидани бузмадим шекилли, дегандек, ҳайдовчи истамайгина тушиб келди. Ҳужжатларини узатди. Назоратчи уни синчиклаб текширгач, машина салонидаги юкларга ишора қилди. Булар нима?

— Сариёғ.

Юкхона ҳам лиқ тўла эди.

— Бундай маҳсулотларни четга олиб чиқиб кетиш мумкин эмаслигини биласизми?

— Биламан, — деди ҳайдовчи Турғун Ҳожиматов.

У ўзининг безоталанаётганлигини сездирмасликка ҳаракат қиларди.

— Лекин меники эмас-да, — деди у кўзини ердан узмай. — Халқа йўлдан келаётган эдим. Бир нотаниш одам мени тўхтатди. Шу юкларни сабзавотчилик илмий текшириш илмгоҳигача етказиб беринг, хизмат ҳақингизга ҳар бир коробка учун 40 сўмдан бераман, деди. Ўйлаб қолдим. Қорним оғрийдими? Хўб бўлади, дедим.

— Ўзи қани?

— Ҳайронман. Етиб бораман девди. Келмаяпти-ку!

Мантиқсизликни қаранг! Ярим миллион сўмлик маҳсулотни ким ўзи танимаган одамга қўшқўллаб тутказиб юборади...

Ўтган йилнинг ўша декабрь ойларида Тошкент тумани автомобиль назорати ходимлари Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида яшовчи Анорбой Азаматов бошқарувдаги «ДАМАС» русумли давлат рақам белгиси 15 А 76-20 бўлган автомашинани ҳам тўхтатишганди. Ва машинада ҳеч қандай ҳужжатсиз, умумий нархи 120 минг сўмлик мол гўшти олиб кетилаётганлиги маълум бўлди. Анорбойнинг баҳонаси ҳам ғоятда антиқа бўлди. Унинг айтишига қараганда гўштни Тошкент шаҳрига сотиш учун олиб келаётган экан. Бироқ, кеч бўлиб қоронғу тушиб қолганлиги учун «Қўктерак» қишлоғидаги танишининг уйига тунаш учун келаётган эмиш. Жуда соз! Ким бу танишингиз. Исми-фамилияси? Қайси кўча, қайси уйда яшайди? Бироқ, Анорбой бу саволларга тайинли жавоб беролмай, анордай қизариб кетди. Ёлғон ҳам эви билан-да!

Бозорларимиздаги бошқа хилдаги арзон озиқ-овқат маҳсулотларини кўтарасига харид қилиб четга олиб бориб қиммат нархда сотиб, катта фойда кўришни мўлжаллайдиган икки нопок шахсни Янгийўл тумани божхона постини айланиб ўтиб кетмоқчи бўлганларида уларнинг йўлига туманнинг автомобиль назорати ходимлари тўсиқ қўйишди. Қозоғистон Республикасига кетаётган 4036 ТШП ва 4037 ТШП давлат рақам белгили «ЗИЛ-130» русумли иккита машинада умумий қиймати 667 минг 200 сўмлик 5556 банка томат пастаси ҳам тегишли ҳужжатларсиз олиб кетилаётган эди.

Умуман, ўтган йилнинг 11 ойида республика бўйича ДАН ходимлари 127 миллион 519 минг 161 сўмлик товар-моддий бойликларни қўшни республикаларга чиқиб кетаётганда ушлаб қолишди. Шундан 58 миллион 825 минг 381 сўмлиги озиқ-овқат маҳсулотларидир.

Бунда Тошкент вилояти ДАН ходимларининг ҳам салмоқли улуши бор. Улар 11 ойда 46 миллион 476 минг 997 сўмлик, шу жумладан 9 миллион 162 минг 383 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўз халқимизнинг истеъмоли, эҳтиёжи учун қайтариб олиб қолдилар.

Мансуржон РИХСИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги ДАН бошқармаси катта инспектори, милиция капитани.

«ЖЎРА» хусусий корхонасига тегишли ДУМАЛОҚ МУҲР, ШТАМП ВА «ЎЗСАВДОГАР» банкининг Амир Темур бўлими томонидан берилган ЧЕК йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент туманидаги «Ашшамс» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 30-75-54 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Собир Раҳимов туманидаги «Зиниурайн» хусусий фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри ва штампи **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов туманидаги «ЧЎЛПОН» кўп тармоқли ишлаб чиқариш тижорат фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 46-63-52 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Тошкент вилояти ижтимоий таъминот бошқармасининг жамоаси Оҳангарон «Мурувват» ногиронлар интернат-уйининг директори Абубакир Худойқуловга падарибузруквори **БОТИР ОТАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА-АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Сизга матбуот конференциялари, тақдимотлар, матбуотда реклама компаниясини ўтказишда ёрдам беради. Шунингдек Сиз учун қисқа муддатларда

— визиткалар — дипломлар
— таклифномалар — бейджиклар
— бланкалар — папкалар
— гувоҳномалар — органайзерлар

тайёрлаб беради.

Тел. (8-371) 133-99-15, 136-53-54
Пейдж: (0-67) 40-87

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 10.550 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 205 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6